

Ризқ Аллоҳнинг изнидадир



20:31 / 03.10.2017 2956

Аллоҳ бандаларига латийфдир. У Ўзи хоҳлаган кишига ризқ берур. У ўта қувватлидир, ўта иззатлидир.

Бандалар такаббурлик ила куфр келтириб, қиёмат кунини инкор этиб, у ҳақида шак-шубҳа қилсалар ҳам, турли гуноҳ ва исёнлар қилсалар ҳам, Аллоҳ уларни азобга дучор қилишга шошилмайди. Чунки

«Аллоҳ бандаларига латийфдир».

Яъни бандалари ким бўлишидан қатъи назар, уларга шафқат қилади, яхшилик кўрсатади, исёнларига қарамай, уларга хайру баракаларини сероб қилиб қўяди.

«У Ўзи хоҳлаган кишига ризқ берур».

Аллоҳ таоло кимга хоҳласа, ўшанга ризқни кўпайтириб беради. Бу иш Унга оғир эмас. Чунки

«У ўта қувватлидир, ўта иззатлидир».

У Зот кучли ва азийздир. Ҳамма нарсага кучи етади, ҳаммадан ғолиб келади.

Ким охират ҳосилини истаса, унга ҳосилини зиёда қилиб берурмиз. Ким дунё ҳосилини истаса, унга ўшандан берурмиз ва унга охиратда

бирон насиба бўлмас.

Ушбу оятнинг маъносидан ҳам Аллоҳ таолонинг Латийф сифати яққол кўриниб турибди. Аллоҳ хоҳлаган одамига – у одам солиҳми, солиҳ эмасми, қобилми, қобил эмасми, мўминми, кофирми, барибир ризқни бераверади. Агар Аллоҳ кофир, фосиқ, осий ва гуноҳкорларга ризқ бермаса, улар ўзларига ўзлари ризқ бера олмайдилар, шунингдек, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот уларга ризқ бера олмайди. Бинобарин, улар тезда ҳалок бўладилар. Натижада эса уларни дунёга келтириш, бу дунёда синовдан ўтказиш, охиратга тайёрланиш ва охиратдаги ҳисоб-китоб ҳикматлари ботил бўларди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло яхшига ҳам, ёмонга ҳам ризқни бераверади. Охират ризқини хоҳлаб, ўшанга яраша ҳаракат қилган бандага охират ризқини беради. Бу дунё ризқини хоҳлаб, ўшанга яраша ҳаракат қилган бандага бу дунё ризқини беради. Аммо бу дунё ризқини истаган ўша бандага охиратдан ҳеч қандай насиба қолмайди.

Охират ҳосилини истаган одам эса бу дунё ҳосилидан ҳам баҳраманд бўлади, бўлганда ҳам, бошқалардан кўра яхшироқ баҳраманд бўлади. Ҳар ким ўзи ўйлаб, фикр юритиб, юрадиган йўлини танлаб олаверсин. Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг Китобига, динига амал қилишга боғлиқ. Аллоҳга иймон келтириб, Унинг шариатига амал қилганлар яхши оқибатга эришишлари турган гап.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири ҳилол китобидан)